

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА МАҚОЛЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳамид Хўшмуродович БОЗОРОВ

Ўқитувчи

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

hamidbozorov65@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақола ўзбек халқ эртакларида тил бирликларининг, жумладан, мақолларнинг қўлланилиши ва таҳлилига бағишланган бўлиб, паремиологик бирликларнинг аҳамияти, прагматик ва сотсиопрагматик хусусиятлари, лисоний вазиятда мақолларнинг қўлланилиши, шунингдек, сўзловчининг тингловчи билан коммуникатив муносабати, улар ўртасида фикр алмашиш жараёнида ёши, жинси, ижтимоий аҳволи, дунёқараши, билим савияси ва шу каби омилларнинг юзага чиқиши, сўзловчи тилидан айтилган гапларнинг туб моҳиятини англаши бугунги кундаги асосий муаммолардан бири эканлиги каби масалалар юзасидан фикр юритилган.

Таянч сўзлар: мақол, ўзбек халқ эртаклари, прагматика, сотсиопрагматика, лексик-семантик восита, парема, паремиология, антиномия, аналогия.

КОММЕНТАРИИ ОБ ИСПОЛЬЗОВАНИИ ПОСЛОВИЦ В УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ СКАЗКАХ

Ҳамид Хошмуродович БОЗОРОВ

преподаватель

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

hamidbozorov65@gmail.com

Аннотация

Данная статья посвящена употреблению и анализу языковых единиц, в том числе пословиц, в узбекских народных сказках, значению паремиологических единиц, прагматическим и социопрагматическим особенностям, употреблению пословиц в языковой ситуации, а также коммуникативным отношениям говорящего со слушателем, возрастом, полом, социальным положением во время обмена идеями между ними., мировоззрением, уровнем знаний и появлением подобных факторов, понимание сути сказанного с языка говорящего является одной из основных проблем на сегодняшний день.

Ключевые слова: пословица, узбекские народные сказки, прагматика, социопрагматика, лексико-семантический инструментарий, парема, паремиология, антиномия, аналогия.

Халқимизда “Юзига боқма, сўзига боқ”, деган ҳикматли нақл бежизга айтилмаган. Ҳар бир инсон тилдан фойдаланар экан, аввало, ушбу лисоний имкониятлардан фойдаланишда қандайдир мақсадни кўзлайди ёки инсон руҳиятидаги, зоҳирий ва ботиний оламидаги ҳис-туйғуларни ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Тил – инсон тафаккури маҳсули. Шунинг учун воқеа-ҳодисалар, товушлар, хуллас, инсон сезги аъзолари ёрдамида сезиши мумкин бўлган барча нарса ва ҳодисалар шахс тафаккурида сигнал кўринишида сақланади. Натижада ҳаёти давомида ушбу сақланган маълумотларни тил орқали намоён қилади. Мана шундай ҳолатларда инсонлар тафаккурида сақланаётган барча маълумотлар тил бирликларидан унумли фойдаланган ҳолда моддийликка чиқарилса-да, уни тингловчи турлича қабул қилиши, яъни ўз маъносида қабул қилмаслиги мумкин. Бунда сўзловчи ва тингловчининг мақоми (маданий қиёфаси, маънавий қарашлари, этник жиҳатдан келиб чиқиши, ёши, жинси, ижтимоий аҳволи, машғулот, руҳий ҳолати, характер-хусусияти ва ҳ.к) асосий ўринга чиқади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишимиз жоизки, лексик ва синтактик қолиплардан барчага бирдек тушунарли бўлган қолипни қарор топтиришнинг имкони йўқ. Агарда шундай бўлган тақдирда бундай ҳолатлар эмоционал-экспрессивлик жиҳатдан бўёқдорлигини, инсон характери тўлалигича намоён қилиш иложсиз бўлади ва бу каби ҳолатлар тилда ўз аксини топиши осон кечмайди.

Тил фақатгина инсон учун фикрларни баён қилиш воситаси бўлиб хизмат қилмайди. У инсон маданияти фикрий гўзаллигини яхши, ибратли, ҳавас қилса арзийдиган фазилатларини юзага чиқарувчи воситадир. Муомала эса инсонларни бир-бирига боғловчи, яқинлаштирувчи, катта-кичик хайрли ишларга ундовчи фазилатдир. Инсоннинг гўзал ҳаёт кечиришида, жамият орасида ўз ўрнини топа олишида, бошқаларнинг ҳурмат эҳтиромига эришишида муомаланинг ўрни каттадир [1; 9].

Инсонларнинг сўз бойлиги фақатгина унинг ҳаёти давомида онгида сақланган сўзларни қўллаш билан белгиланмайди, балки, инсоният учун хос

бўлган лисоний вазиятдаги сўзловчи ва тингловчининг мақоми ҳам асосий вазифа бажаради. Сўзловчи айтмоқчи бўлган фикрнинг асосий маъносини тўғри талқин қилиш, сўзловчи томонидан қўлланган кўчма маъноли сўзлар ва қочириملарни таҳлили доим ҳам асл маъносидек бўлавермайди. Бу тилшунослик илмида прагматика ҳисобланади. Прагматика (юн. прагма, прагматос — иш, ҳаракат) — семиотика ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини ўрганувчи соҳаси; бошқача айтганда, муайян белгилар тизимини ўзлаштириб, ундан фойдаланувчи субъектларнинг айна шу белгилар тизимиға муносабатини ўрганувчи фан тармоғи. Прагматика ҳақидаги асосий ғоя америкалик олим Ч.Пирс томонидан ўртаға ташланган; яна бир америкалик олим Ч.Моррис ушбу ғояни ривожлантирган ва "Прагматика" терминини семиотика бўлимларидан бирининг номи сифатида амалиётға киритган.

Прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини оғзида қамраб олувчи нутқ жараёни, муайян алоқа вазияти орқали намоён бўлади. Лингвистик прагматика аниқ шакл, ташқи кўринишға эға эмас; унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувдаги ўзаро муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ кўплаб масалалар киради. Масалан, нутқ субъекти билан боғлиқ ҳолда қуйидаги масалалар ўрганилади: баённинг ошқора ва яширин мақсадлари (бирон-бир ахборот ёки фикрни етказиш, сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат ваъда бериш, узр сўраш, табриклаш, шикоят ва бошқалар); нутқ тактикаси ҳамда нутқ одоби турлари; суҳбат, сўзлашиш қоидалари; сўзловчининг мақсади; сўзловчи томонидан адресатнинг умумий билим жамғармаси, дунёқараши, қизиқишлари ва бошқа хислатларига баҳо берилиши; сўзловчи баён қилаётган хабарға муносабати кабилар. Прагматикада нутқ адресати, ўзаро алоқаға кирувчиларнинг муносабатлари, муайян алоқа вазияти сингари омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳам кўплаб масалалар ўрганилади [4; 164].

Халқ оғзаки ижодида прагматик, социопрагматик ҳолатларни кўплаб учратишимиз мумкин. Сўзловчи ўз фикрини қисқа ифодалаш учун халқ

мақоллари, тасвирий ифода, иборалар, жумбоқ кўринишидаги бирликлар, пичинг ва киноялар билан ифодалаши тилшуносликда социопрагматик муносабатни юзага келтиради. Бу ифодалар халқ оғзаки ижодининг эртаклар жанрида кўплаб учрайди:

Бир неча тош йўл юрганидан кейин отига дам берибди ва ўзи ҳам озгина ухлаб ором олиб яна йўлга тушибди. Бир неча чақирим йўл босганида бир отлиқ киши учраб, унга ҳамроҳ бўлибди. Икковлари бир-бири билан гаплашмай бир неча чақирим йўл юришибди. Охири доно йигит ҳамроҳига:

— Ё сиз менга мингашинг, ё мен сизга, — дебди. Ҳамроҳ бўлган киши ҳам гапнинг маъноси шу экан, деб отини яна қистаб ҳайдаб:

— Мингашининг кераги борми? Отларимиз яхши-ку, — деб йўлни босаверибди.

Яна бир тош йўл гап-сўзсиз ўтибди [5; 4].

Ушбу “**Ё сиз менга мингашинг, ё мен сизга**” мисолида тингловчининг отга мингашиб кетиши ҳаёлидан ўтганлигини, сўзловчининг эса умуман бошқа маънода айтганлигини кузатишимиз мумкин. Аслида ушбу фикрнинг якуний хулосаси “Сиз сўзланг, ё мен сўзлай” дегани эди. Кейинги мисолга эътибор қаратамиз:

Қарасалар бир тобутни одамлар кўтаришиб ўтаётган эмишлар. Доно йигит ҳамроҳидан сўрабди:

— Бу тобутда ётган кимса ўликми ё тирикми? Ҳамроҳ доно йигитга бир қарабди-да, ўзича:

«Бу кишининг эси жойидами ўзи, тобутда ётган тирик бўларми ҳеч», деб, индамай йўлни давом қилаверибди. Доно йигитнинг саволи жавобсиз қолибди [5; 4].

Сўзловчи бунинг асосий семантик маъносини «Тобутда ётган ўликми ё тирикми?» деганда, «Бу кишининг кетида фарзанди қолдими ёки бефарзанд дунёдан ўтдими?» деган маънодаги гапларни қўллаган эди.

Ушбу мисолда тингловчининг айтилган фикрни тушунмаганлиги, сўзловчининг “жумбоқ” шаклидаги фикрлари фикр алмашувчиларнинг

маънавий қиёфаси, сўз танлаш ва қўллашдаги маҳорати, маданий қатламдаги ўрнини ҳам белгилашда муҳим ўрин эгаллайди.

Халқ оғзаки ижодида халқнинг орзу-умидлари, ўй-хаёллари, интилишлари, мазмунли ва яхши ҳаёт кечириш учун урунишлари каби ижобий хислатлар баён этилиб, тилнинг лексик-семантик воситаларидан тўғри фойдаланиш натижасида оғзаки ижод барча учун ўрناк мактабини ҳам ўтайди. Юқоридаги сўзловчи ва тингловчи (ҳамроҳлар)нинг ёш ва донолик нуктаи назардан зид қўйилганлиги ҳам эътиборлидир. Халқимизнинг “Ақл ёшда эмас, бошда” деган мақоли ҳам бежиз айтилмаганлигига гувоҳ бўламиз. Контекстдаги кейинги мисолга эътибор қаратамиз:

Яна бир неча тош йўлни гап-сўзсиз босиб ўтибдилар. Бир буғдойзорнинг устидан йўли тушибди уларнинг. Шунда доно йигит ҳамроҳига буғдойзорни кўрсатиб:

— Бу буғдой эйилганми ё эйилмаганми? — деб савол борибди.

Ҳамроҳи яна: «Бир жинни билан йўлдош бўлган эканман-да», дебди ўзича ва индамасдан йўлини давом қилдираверибди [5; 4].

Эртақда қўлланилган ушбу мисолнинг туб маъноси, яъни «Бу буғдой сотилганми ёки сотилмаганми?» дейилганини, юқоридаги:

Ё сиз менга мингашинг, ё мен сизга;

Бу тобутда ётган кимса ўликми ё тирикми? кабиларнинг асл маъносини доно йигитга ҳамроҳ бўлиб келган отахоннинг қизи топади. Бу ҳолатнинг тилдан унумли фойдаланишда фикр алмашувчиларнинг ёши, дунёқараши, маънавий қиёфаси, фикри, ўй-хаёли бир-бири билан мутаносибми, йўқми эканлигини кўришимиз мумкин.

Эртақларда ўзаро мулоқотга киришаётган шахслар ўртасидаги яширин маъноли сўз ва иборалардан ташқари конкрет маъноли бирликлардан ҳам бевосита фойдаланадилар. Бунда паремалардан унумли фойдаланишни мисол қилишимиз мумкин. Парема юнонча “паромиа” сўзидан олинган бўлиб, “масал”, “рамзли ҳикоя” деган маъноларни билдиради [6; 222]. Маълум бир тилдаги авлоддан авлодга оғзаки шаклда кўчиб юрувчи, ихчам ва содда, қисқа

ва мазмундор, мантикий умумлашма сифатида пайдо бўлган турғун ибора, мақол, маталлар паремаларнинг объекти ҳисобланади.

Паремалар авлоддан авлодга фақат оғзаки ҳолдагина ўтиб келганлиги, халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлганлиги учун адабиётшуносликнинг ўрганиш объекти ҳисобланади, чунки уларнинг аксарияти кўпинча шеърӣ шаклга ўхшайди ва уларда ўхшатиш, антитеза, анафора, аллитератсия, киноя, пичинг каби бир қанча тасвирий воситалар қўлланади. Шу билан бирга паремалар сўзлардан тузилиб, маълум бир фикрни ифодаловчи гаплардан иборат бўлгани учун тилшуносликнинг ҳам ўрганиш объектидир. Паремалогик бирликларнинг эртакларда қўлланиш доираси жуда кенг. Мақоллар халқ оғзаки ижоди намунаси ҳисобланганлиги сабабли эртакларда муҳим ўрин эгаллайди. Оғзаки ижод намуналарнинг ўзаро муштараклиги ёзма нутқда тил имкониятлари билан биргаликда асрлар оша яшаб келмоқда. Маълумки, мақол қисқа, лўнда, ихчам фикрли, тугалланган маъно ва мазмунга, турғун образли хусусиятларга эга бўлган, халқнинг қуйма, фалсафӣ мушоҳадаси, юмори, туриш-турмуши, расм-русуми, урф-одатлари, ақл-заковатидан, тажрибасидан келиб чиққан умумлашма, ҳозиржавоб, сўз ўйини, ҳикматини акс эттирувчи, исботловчи, далилловчи, оқилона, содда, аммо қатъий айтилган доноликни намоён қилувчи насихатомуз, ибратли жумладир. Мақоллар аксарият ҳолларда асл маънодан кўра кўчма, мажозий маъноларда ишлатиладиган маъқулловчи ёки рад этувчи, кинояларга бой ҳикматли сўз бирикмалари ёки жумлалардан таркиб топган бўлиб, улар асосида биринчи навбатда қиёслаш, қарама-қарши қўйиш ёки ўхшатма (аналогия) принциплари ётади [2; 33]. Мақоллар халқ донишмандлиги ҳисобланиб унда фикрнинг қисқалиги билан бир қаторда таъсир қилиш доираси катта бўлади. Баъзи мақолларнинг эртакларда қўлланишида мақол қўлловчининг шахсияти билан бир қаторда унинг савияси ҳам очиб берилади. Қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз:

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подшо бўлган экан. Унинг ёмон бир хотини бор экан. Ўзи тугмас экан, подшо бошқа хотин олай деса

қўймас экан. Қитмир, бадкирдор экан. Юзи оқ бўлса ҳам ичи қора экан, ундан кўпларнинг кўнгли яра экан. Подшонинг ўлган хотинидан бир қиз қолган экан. Қиз подшонинг якка-ю ягона фарзанди бўлса ҳам уни ёмон кўрар экан. «Қиз бола – туз бола», деб қизини хафа қилаверар экан [5; 60].

Юқоридаги мисолда “Қиз бола – туз бола” ўзбек халқ мақолларида “Қиз ҳақи – сут ҳақи”, “Қиз ҳақи – туз ҳақи” тарзида ифодаланади. Эртақда ақлсиз подшоҳнинг хотинининг шахсияти “бадкирдор“, “юзи оқ бўлса ҳам ичи қора”, “ундан кўпларнинг кўнгли яра” каби бирликлар билан очиб берилган. Қиз бола – туз бола, деб ўғай қизини масхаралашида ҳам унинг шахсиятидаги иллатлар очиб берилмоқда. Бу билан “ичи қора” аёлнинг мақолни нотўғри, “пешонаси шўр” тарзида талқин қилиши унинг нақадар илмсиз эканлигидан далолатдир. Аслида унинг туб моҳияти: “Қиз ҳақи – сут ҳақи”, “Қиз ҳақи – туз ҳақи” шаклида ифодаланса, умуман бошқа маънода эканлиги, яъни “туз” ва “сут” оқлик рамзи сифатида баҳоланиб, туз ва сут ҳақи муқаддас ва бебаҳо эканлиги англашилади. Бу ўринда жаҳон тилшунослигида катта мавқега эга бўлган Гумбольдтнинг фикрини келтириш ўринли. В.Гумбольдт таърифича, тил мураккаб, бир-бирига қарама-қарши бўлган сифат ва хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳодисадир, шунинг учун ҳам тилни илмий ўрганишда, унинг ҳақиқий моҳиятини тушунишда антиномия – қарама-қаршилиқ методини қўллаш мақсадга мувофиқдир [3; 13].

Ўзбек халқ эртақларида инсонни камолотга бошловчи мақоллардан ҳам фойдаланиб, матннинг таъсир доирасини оширишга эришилиб келинган. Бу каби мақоллар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмай келмоқда.

— эртага яна шу маҳал кел, — деб йигитни кузатиб қўйибди.

«Ақлсиз бугунини, ақлли эртасини ўйлар», деган гап жуда ҳам тўғри экан. Савдогарвачча бир лаган тиллани кўтариб яна йигитларнинг жўрабошиси — бойнинг олдига борибди [5; 82].

Ушбу мисолда берилган «Ақлсиз бугунини, ақлли эртасини ўйлар» мақоли бугунги кунда фаол қўлланмаса- да, аммо кекса ёш вакиллари нутқида қўлланилиб келинмоқда. Ушбу мақолнинг моҳияти бугунги кунда ҳам ўз

долзарблигини йўқотгани йўқ. Қайси соҳада ёки қайсидир фоллят жараёнида эртани ўйлаб иш қилиш, мақсад қўйиш, бу йўлда қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтиш лозимлиги ота-боболаримиз томонидан ҳам таъкидлаб келинган.

Ўзбек халқ эртакларида оилавий ҳаётни ифодалашда ҳам мақоллардан унумли фойдаланилган:

Подшоҳ доимо хотинига: «Мен подшоҳман, яхши кийиб, яхши еяпсан, агарда бир камбағалга текканингда, нон ўрнига гишт чайнар эдинг!» деб таъна қилар экан. Подшоҳ кетгандан сўнг қизи: «Э, она, мени бир камбағал, меҳнаткашга берингки, агар толеим бўлса, уни подшоҳ қилиб, отамнинг тахтига ўтқазай», дер экан.

Ўша куни жумбоқ устида қиз ҳозир бўлибди. Подшоҳ «Агар жумбоқни ечсанг, гуноҳларини ўтдим», дебди. Қиз: «Қарганинг «қағ» дегани, эрни бор қиладиган ҳам хотин, йўқ қиладиган ҳам хотин, деганидир», – деб жавоб берибди [7;72].

“Маликаи Ҳуснобод” эртагида Маликаи Ҳуснобод тилидан айтилган “Эрни бор (эр) қиладиган ҳам хотин, йўқ қиладиган (қаро ер қиладиган) ҳам хотин” мақоли бугунги кунда ҳам халқимиз орасида кенг истеъмолда. Юқоридаги мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, мақолни ишлатаётган шахс жинс нуқтайи назаридан аёл киши эканлиги намоён бўлади. Ҳозирги кунда ҳам нутқимизда қўлланилиб келаётган ушбу мақол гендер хусусиятига кўра, аксарият ҳолларда, аёллар, жумладан, ёши катта, турмушга чиқиб, турмушнинг ёки ҳаётнинг баланд-пастлигини кўрган, ҳаётий тажрибага эга аёллар нутқида, маслаҳат маъносида, қўлланиб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо “Маликаи Ҳуснобод” эртагида ушбу мақол ҳали турмушга чиқмаган, ижтимоий ва оилавий ҳаётнинг тажрибасиз иштирокчиси нутқида қўлланилганлигини англаймиз. Тилшуносликда антропосентрик йўналишда инсон омили биринчи планга чиқар экан халқ эртакларимизда ва жонли сўзлашув нутқимизда ушбу мақолнинг семантикасида бир неча маъно нозикликларини англашимиз мумкин. Жумладан;

1. Эркак кишининг муваффақиятга эришиши ёки хароб бўлиши унинг аёлига яъни хотинига боғлиқ. Яхши аёл ўзининг эрини юксакларга кўтариб, мартабасини улуғлаши мумкин, ёмон хотин эса нолиши ва ношукурлиги билан оила бошига ёмон кунлар келишига сабабчи бўлиши мумкин.

2. Оила бошлиғи томонидан оиланинг ижтимоий аҳволини ва кундалик эҳтиёжларини яхшилашга қаратилган сай-ҳаракатлари кўпчилик ҳолларда оила бекасига боғлиқ. Оила бекасининг исрофгарчиликка йўл қўймаслиги, оила таъминотини режалаштириш ва маълум муддатга етказиш оилавий ҳаётнинг фаровонлигига асос бўлади.

3. Орият масаласида эркакнинг жамиятдаги ўрнини белгилашда аёлнинг ўрни жуда катта. Аёл (хотин)нинг номуссизлиги эркакни жамиятда обрўсизлантириши барчага аён.

4. Пичинг маъносида ҳам ушбу мақол халқимиз орасида кам миқдорда бўлса ҳам новербал ҳолатдан келиб чиқиб қўлланади. Масалан, аввалроқ ҳамма томонлама яхши ҳаёт кечирган, турмуш қургандан сўнг ҳам моддий жиҳатдан ҳаёт тарзи яхши, аммо хотиннинг фаросатсизлиги туфайли рўзгор юмушларида, эркакнинг кийинишида камчиликлар кузатилса, ушбу мақол қўлланиш ҳолатлари кузатилади.

5. “Маликаи Ҳуснобод” эртагида эса Ҳуснобод нутқида қўлланган мақолнинг семантикасида исботлаш, яъни моддий жиҳатдан таъминланмаган шахсга турмушга чиқиб, қурилган оиланинг ҳар томонлама мукаммал бўлишини ўз олдига мақсад қўйиш маъноси ётади.

6. Ушбу мақолни ачиниш, афсусланиш маъносида ҳам ишлатиш жараёнларини кузатишимиз мумкин. Бу кўпроқ прагматик жараёнда кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ эртакларида паремалардан унумли фойдаланиш орқали гапларда фикрни қисқа ифодалаш, таъсирли қилиб етказиб беришга эришилган. Натижада инсонлар тил воситаларидан унумли ва тўғри фойдаланишга ўргатиб борилган.

Инсоннинг ширинсўзлиги кишининг тарбияланганлигидан гувоҳлик берса, сўзга бойлиги, чечанлиги, маънодорлиги унинг ўқимишли, билимдонлигини кўрсатади. Гўзал муомала инсон дилини қанчалик хушнуд этса, аксинча, аччиқ сўз, қўпол муомала инсон қалбини ларзага солади. Ширин муомалада бўлиш ҳам катта санъат. Ширин сўз билан кишининг ишончи ва қалбини эгаллаш мумкин. Сўз, юз ва кўз тилнинг кўрки ҳисобланади. Шундай экан ширинсўзлик, лексик такрорлардан кечиш, сўзни таъсирли ва жозибали қилишда мақоллардан фойдаланиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Muhammadjoniva L., Obidjonova F. Etiket. – Toshkent: Фан, 2017. – 155 б.
2. Маннонов А. Афғон (Паштун) халқ мақоллари //Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: анъаналар ва ҳозирги замон илмий мактаблари: республика илмий-амалий конференцияси илмий тўплами. – Тошкент, – 2020. – 325 б.
3. Holmonova Z. Tilshunoslik nazariyasi: darslik. – Toshkent: Shafoat Nur Fayz, 2020. – 256 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 7 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 704 б.
5. Ўзбек халқ эртаклари. Ойжамол. Доно йигит ва унинг қайлиғи. – Тошкент: Ғафул Ғулом, 1969. – 173 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 687 б.
7. O‘zbek xalq ertaklari. – Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. – 152 б.